



## ISSUES OF COMBATING CORRUPTION IN THE CIVIL SERVICE

**K.P. Seitniyazov**

*Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences  
Toshkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** corruption, civil service, conflict of interest, code of ethics of civil servants, procedures for giving and receiving gifts.

**Received:** 19.04.26

**Accepted:** 20.04.26

**Published:** 21.04.26

**Abstract:** This article examines the measures being implemented in our country to combat corruption, with particular attention to the specific features of legislation aimed at preventing corruption in the civil service. It also analyzes measures to foster an uncompromising attitude toward corruption among civil servants, as well as the opinions and views expressed by local and foreign scholars.

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

**К.П. Сеитниязов**

*Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** коррупция, давлат фуқаролик хизмати, манфаатлар тўқнашуви, давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари, совғалар олиш ва бериш тартиби.

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, айниқса қонунчиликда давлат фуқаролик хизматида коррупциявий ҳолатларини олдини олишдаги ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилиб, шунингдек давлат фуқаролик хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабати шакллантириш чора-тадбирлари, маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинди.

## ВОПРОСЫ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЕ

**К.П. Сеитниязов**

*Доктор философии (PhD) по юридическим наукам*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** коррупция, государственная гражданская служба, конфликт интересов, кодекс этики государственных служащих, порядок получения и дарения подарков.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются меры, реализуемые в нашей стране по борьбе с коррупцией, в частности особенности законодательства, направленного на предотвращение коррупционных проявлений в государственной гражданской службе. Также проанализированы меры по формированию у государственных служащих непримиримого отношения к коррупции, а также мнения и взгляды, высказанные отечественными и зарубежными учёными.

---

Бугунги кунда ҳар бир жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда, фаровон жамият ва ҳуқуқий давлат куришда, давлат хизматчиларининг халққа хизмат қилишида коррупция омилини бартараф қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, ҳар куни жисмоний ва юридик шахслар билан бевосита турли хил масалаларда ишлайдиган, уларга хизмат кўрсатадиган, мурожаатларини ҳал қиладиган давлат хизматининг муҳим турларидан бири бўлган давлат фуқаролик хизматида фаолият олиб бораётган ходимларни “ҳалоллик вакцинаси” билан даволаш муҳим ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур” деб таъкидлаганди.

Ўзбекистонда барча соҳаларда, шу жумладан, давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш юзасидан қонун ҳужжатлари шакланган бўлиб, боиси давлат хизматчиси муайян давлат органининг номидан ҳокимият ваколатларини амалга оширганлиги сабабли унда коррупцияга қарши муросасиз маданиятнинг шакланганлиги муҳим омиллардан бири ҳисобланади, чунки халқ томонидан унинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо берилиб борилади ва

бу халқнинг давлатга ишончига, давлат хизмати имиджига, давлат органининг обрўсига бевосита таъсир қиладиган жараёнлардан ҳисобланади.

Шу боис, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунида “Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш” деб номланган алоҳида боб ажратилган ҳамда ушбу Қонунинг 15-моддасига кўра давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги;

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат ўтказилишини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш тизимини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан совғалар олиш ва бериш тартибини белгилаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Қонунчиликда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Демак, қонунчиликда ходимнинг коррупция жиноятини содир қилишига қарши курашишда нафақат куч, назорат, мажбурлаш воситалари ёрдами билан, балким аввалом бор, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга алоҳида эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин.

Жумаладан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг

16-моддасида давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Агар давлат фуқаролик хизматчиси коррупция фактлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлса, у коррупциянинг олдини олиш учун зарур чоралар кўриши, шу жумладан юқори турувчи давлат органини (мансабдор шахсини) ёки

коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органини дарҳол хабардор қилиши ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши керак.

Албатта, ходимда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришда унинг коррупция жиноятларининг мазмун моҳиятини ва бундай фактлари тўғрисида хабардор қилиш механизмларини билиши ҳамда унинг олдини олишда ўзининг давлат ҳимоясида бўлишини англаб этиши лозим бўлади.

Бунинг учун давлат фуқаролик хизматчисида юксак адоб-ахлоқ маданият шаклланган бўлиши лозим, шу мақсадда 14.10.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори қабул қилиниб, давлат фуқаролик хизматчисининг касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзасидан алоҳида нормалар ишлаб чиқилиб, ҳар бир давлат органида давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини назорат қилувчи одоб ахлоқ комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди .

Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматида бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

Мазкур қарорда давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини амалга оширишда риоя қилиши шарт бўлган 9 та тамойил белгиланган бўлиб, шу жумладан коррупциявий ҳолатларга мурасасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик тамойили бевосита ходимларда ҳалоллик вакцинасини шакллантиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Демак, давлат хизматининг мақсад ва вазифаларига эришиш давлат хизматчисидан мустаҳкам ҳамда ишончли, соғлом ахлоқий-маънавий муҳит яратилишини ҳам талаб этади. Зеро, давлат фуқаролик хизматининг барқарорлиги ва ишончлилиги мансабдор шахсининг нафақат касбий тайёргарлигига, балки унинг маънавий фазилатларига ҳам боғлиқ.

Давлат фуқаролик хизматида коррупциянинг олдини олишдаги яна бир муҳим восита сифатида турли хил кўринишдаги совғаларга нисбатан бўладиган муносабатини тартибга солиш ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳоўзирда коррупциянинг ўзига хос шакли сифатида

ходимларга манфаатдор шахслар томонидан қимматбаҳо совға берилиши ёки хизмат кўрсатилиши намоён бўлиб бормоқда.

Шу боис, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг

18-моддасида давлат фуқаролик хизматида давлат фуқаролик хизматчисига (унинг оила аъзоларига) бепул берилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки давлат фуқаролик хизматчисига (унинг оила аъзоларига) беғараз кўрсатилган хизмат совға ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади. Бундан давлат фуқаролик хизматчиси томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

Давлат фуқаролик хизматчилари хизмат сафарлари вақтида, шунингдек халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғалар олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.03.2023 йилда “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида”ги Низом рўйхатдан ўтказилган бўлиб, ушбу низом билан “Совға”, “халқаро тадбирлар”, “расмий тадбирлар”, “хизмат сафари”, “совға берувчи”, “Совғалар реестри” сингари бир қатор атамаларга ҳуқуқий тушунтириш берилган ҳолда, давлат фуқаролик хизматчиларининг хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирларда совғалар олиши ҳамда коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар содир қилишининг олдини олишга қаратилган муносабатларни тартибга солинган.

Хусусан, низомнинг 8-бўлимида давлат фуқаролик хизматчиси томонидан халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қуйидаги талабларга жавоб бериши лозимлиги кўрсатилган:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, давлат органининг ички идоравий ҳужжатлари ҳамда ушбу низом талабларига мувофиқ бўлиши;

совға уни берувчи томонидан аниқ бир халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ихтиёрий тақдим этилган бўлиши;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан очик ва ошкора қабул қилиниши;

давлат органининг обрўсига (нуфузига) путур етказмаслиги;

манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги, хусусан давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги.

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан олинган совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараварига тенг ёки ундан кўп бўлмаса, совға давлат фуқаролик хизматчисига қолдирилади ва бу бўйича тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилади. Агар совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараваридан ортиқлиги аниқланган тақдирда, совға молия-иқтисод бўлинмаси томонидан давлат органининг балансига кирим қилинади.

Албатта, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг давлат фуқаролик хизмати тизимида мазкур масала бўйича қарашлар ва нормалар ўхшаш. Яъни давлат фуқаролик хизматчиларига бирор-бир хизмат эвазига совғалар қабул қилиш тақиқланади. Чунки давлат хизматчиси томонидан содир этиладиган бундай хатти-ҳаракатлар давлат органининг имижига салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бу эса халқнинг давлат органидан узоқлашишига олиб келади.

Давлат фуқаролик хизматда ходимнинг хизматни ўташдаги коррупциявий хатта-ҳаракатини олдини олишдаги яна бир асосий воситалардан бири манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳисобланади.

Х.Азизов манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни соҳага жорий этиш давлат хизматининг шаффоф ҳамда қонуний фаолият юритишини таъминлайди. Давлат хизматида коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувини бартараф этишда давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалалари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг

19-моддасида манфаатлар тўқнашуви давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз хизмат ваколатларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда фуқароларнинг, жамиятнинг ёки давлат органининг шахсий манфаатдорлиги ва ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият эканлиги кўрсатилган.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Бугунги кунда давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш тартиби “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинмоқда.

Жумладан, ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви юзасидан тегишли талабларга риоя этилиши устидан назорат давлат органида тузилган одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади ҳамда ходим томонидан мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларация тақдим этиш орқали манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни амалга оширади.

Албатта, ушбу механизм манфаатлар тўқнашувини олдини олишга ёки хизматни ўташ жараёнида маълум бўлган манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларини манфаатлар тўқнашуви оқибатида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавфли вазиятлардан сақлашга қаратилган чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Рус олими С.В.Качушкиннинг таъкидлашича давлат фуқаролик хизматида коррупциянинг олдини олишнинг самарали механизмларидан бири сифатида баъзи Европа мамлакатларида ўзини оқлаган манфаатлар тўқнашуви институтининг қонунчиликка киритилиши, давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган чекловлар, тақиқлар ҳамда маъмурий, жиноий ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиблари билан норматив жиҳатдан узвий боғланган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, жаҳон амалиётида кенг тарқалган яна бир коррупциянинг олдини олишга қаратилган чоралардан бири шубҳасиз давлат фуқаролик хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларациялаш ҳисобланади.

Албатта, ушбу жараён ўзига хос мураккаблиги ва ижтимоий муносабатларни шаффоф ҳамда аниқ тартибга солиш зарурлиги сабабли “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шартлиги

кўрсатилган, яъни даромадлари ва мол-мулкани декларациялаш алоҳида қонун билан амалга оширилиши ва ушбу қонунда аниқ муддатлари ҳамда амалга ошириш тартиби белгиланиши таъкидланган.

Чет эл тажрибасини ўрганган олим А.Умирдиновнинг таъкидлашича, хорижий тажрибаларда давлат хизматчиси бўлиб сайланаётган шахснинг мол-мулкларини декларация қилиниб, оммага тўғри эълон қилинади. Давлатнинг муҳим лавозимига қўйилаётган кишининг нафақат даромадлари, балки қарзларигача оммага ошкор қилинади.

Умуман олганда, коррупцияга қарши фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми коррупциянинг олдини олишдир. Коррупцияни олдини олиш, одатда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, муниципал органлар ва жамоат ташкилотларининг коррупцияни келтириб чиқарадиган ҳамда уни ривожланишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш (зарарсизлантириш, нейтраллаштириш) бўйича мақсадли фаолияти сифатида тушунилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда Ўзбекистонда давлат хизматида коррупцияга қарши курашда анча ижобий ишлар амалга оширилганлиги, қонунчилик базаси такомиллаштирилганлиги ҳамда ҳозирги кунда ҳам ушбу йўналишда бир қатор ислохотлар давом этаётганилигини, бунда айниқса хориж тажрибасининг илғор жиҳатларини миллий қонунчилигимиздан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий қилинаётганилигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кўрилатган чоралар натижасида Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланди. Жумладан, “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индексида 5 ғоғона, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилоти Ҳуқуқ устуворлиги индексининг “коррупциянинг мавжуд эмаслиги индикаторида 2 ғоғона, Жаҳон Бошқарув сифати индикаторларининг “коррупцияни тийиб туриш” индикаторида 15 ғоғона, “Trace Matrix” порахўрлик матричасида 1 ғоғона, Ҳукумат очиқлиги бўйича “Open data inventory” рейтингда 15 ғоғона кўтарилишига эришилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи//<https://president.uz/uz/lists/view/111>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини

таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 595-сонли қарори// <https://lex.uz/docs/6236838>

3. Алимов Б., Сайидмуратов О. Давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий-ахлоқий камолоти –самарали давлат бошқаруви асоси. Жамият ва бошқарув. 2022. 4 (98). - 99 б.

4. Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. // – Тошкент: “Akademiya”. 2022. – 21 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2023 йил 23 мартдаги “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги буйруғи// <https://lex.uz/docs/6405394>

6. Саъдиева Г. Давлат ва фуқаролик хизматида совғаларга нисбатан муносабат: Асосий принцип ва қоидалар. Жамият ва бошқарув. 2022. 4 (98). - 104 б.

7. Азизов Х. Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашуви. Жамият ва бошқарув. 2022. 4 (98). - 28 б.

8. Качушкин С.В. Конституционно-правовые основы государственной гражданской службы. авт. дисс. ... д. ю. н. - Москва. 2011. – 41 С.

9. Умирдинов А. Давлат фуқаролик хизматчиси халқ ва миллат олдида жавобгардир. Жамият ва бошқарув. 2022. 4 (98). - 135 б.

10. Асадов Ш., Инагамова Л. Давлат хизматида коррупцияга мойил бўлган шахснинг психологик хусусиятлари. Жамият ва бошқарув. 2022. 4 (98). - 117 б.

11. <https://anticorruption.uz/uz/article/korruptsiyaga-qarsi-kurasis-tgrisidagi-ucinci-millii-maieruza-senatga-taqdim-qilindi>